

ҲЕЧ КИМНИНГ, АВВАЛАМБОР, МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ САЙЛОВ ЖАРАЁНИГА АРАЛАШИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ.



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

SHU AZIZ
VATAN —
BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 19-dekabr • Shanba • 154 (30.114) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

аҳоли кўпчилигининг манфаатларини кўзлаб, иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли мақсадларини танлашда ва кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда давлатнинг бошқарувчилик ролини мустаҳкамлашни стратегик устувор вазифа сифатида эътироф этади.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Қашқадарё вилоятида ҳам давлат ҳоқиятининг вакиллик органларига партиямиздан кўрсатилган номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда. 120-Шахрисабз сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Машкура Сафаева билан учрашувлар ўзаро мулоқот, савол-жавобларга бой бўлди

ЎзХДП номзодларининг сайловчилар билан учрашувлари

ҚОНУНЛАР ИНСОНГА, ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Шахрисабздаги «Дон ризқ-рўз» ҳиссадорлик жамияти мажлислар залига атрофдаги маҳаллалар сайловчиларининг вакиллари тўпланишиди. Номзоднинг ишончли вакили, «Нуроний» жамғармаси Шахрисабз туман Кенгаши раиси Боқи Эргашев унинг таржимаи холи, амалга оширган ишлари ҳақида батафсил тўхтади. Номзод Машкура Сафаева Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси, Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси раиси сифатида 250 дан ортиқ қонунлар лойиҳаси муҳокамасида ва уларнинг қабул қилинишида фаол қатнашганини таъкидлади. Депутат сифатида сайловчилар ишончини оқлашга астойдил ҳаракат қилганини айтиб ўтди. — Ўзи, оиласи, Ватанининг фаровонлигини таъминлаш учун меҳнат

қилишга тайёр фуқароларга зарур шарт-шароит яратиб бериш механизми эришиш Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг мақсадларидан биридир, — деди Машкура Сафаева. — Фуқаролар ўз мамлакатига муносиб бўлиши ва давлат ўз фуқароларини муносиб кадрлаши зарур. Партиямиз ҳукуратимизнинг ижтимоий ҳимояга йўналтирилган сиёсатини,



халқ фаровонлигини ошириш буйича қабул қилинган дастурларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаяпти. Депутатларимиз партиямиз электорати ман-

фаати учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қонунлар лойиҳалари муҳокамасида фаол иштирок этаёпти.

(Давоми 2-бетда)

Авалло, шуни таъкидлаш керакки, ўтган беш йилда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида улкан воқеалар, тарихий ўзгаришлар, демократик янгиланишлар рўй берди. Демократик институтлар фаолияти такомиллашди, кучайди, фаоллиги, етуқлик даражаси ошди. Бу борадаги ҳуқуқий асослар, қонуний базанинг тубдан такомиллашиши, шубҳасиз, Ўзбекистон Халқ демократик партиясига фаолиятини ҳам янада кучайтиришга катта таъсир кўрсатди.

БИЗ ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ УЧУН КУРАШАМИЗ

2004 йил сайловлари олдида партиямиз ўзининг дастурий йўналишлари, асосий вазифаларини янада аниқлаштириб олди. Аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатларини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга қаттиқ бел боғлади.

Электоратимиз манфаатларини таъминлаш юзасидан амалий ишларни кучайтиришга қаратилган муҳим қадамларимиздан бири партиясининг кенгашири қошида Жамоатчилик қабулхоналарининг вужудга келгани бўлди. Бу Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ўз электорати манфаатларини нафақат парламент, давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органлари орқали қонунчилик воситасида, балки амалий жиҳатдан, фаолларнинг бевосита ёрдами билан ҳам ҳимоя қилишга тайёр эканини аниқлади. Ҳақиқатан ҳам, ўтган давр бу қадам жуда тўғри қўйилганини исботлади.

(Давоми 2-бетда)

ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ЯҚУНЛАНДИ



Тоҳир Норкулов (ЎЗА) олган суратлар

«Самарқандэлектртармоқлари» очик акциядорлик жамияти томонидан жорий йилда 2813 километрдан ортиқ ҳаво тармоқлари мукамал таъмирланди. Аҳолини узлуксиз электр

энергияси билан таъминлаш мақсадида Пайариқ туманидаги «Ғойиб ота», Ургут туманидаги «Вағашти» маҳаллаларида, Пахтачи туманидаги «Шаршара» электр узатиш тармоғида, Оқдарёдаги

«Янгиравод», Самарқанд шаҳридаги «Эски хазора», Пастдарғом туманидаги «Зангибой» маҳаллаларида кам қувватли трансформаторлар қувватлигига алмаштирилди, қўшимча транс-

форматорлар ўрнатилди. Суратларда: **электромонтёр Хуршид Абдуллаев; (чапдан) Саноат подстанцияси навбатчи электромонтёри Оқил Ҳотамов шогирдлари билан суҳбатда.**

Муносабат

ҲАЛОЛ ВА СОҒЛОМ КУРАШ

тарafdоримиз. ЎзЛиДеП эса одамларни чалғитиш орқали эътибор қозонишга уринмоқда

Кеча кечқурун газетамиз саҳифаланаётган пайтда Миллий телерадио компаниянинг ахборот дастурларидан бирида ЎзХДПнинг сиёсий майдондаги асосий рақиби — ЎзЛиДеП вакиллари билан бири шундай бир асосиз фикрни айтдики, унга муносабат билдирмаслик мумкин эмас деб ўйлаймиз.

ЎзЛиДеПнинг фаоли деб аталмиш бу бизнес вакили Халқ демократик партиясининг электорат билан ишлаш буйича муҳим механизмга айланган Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти ҳақида ўйламай айтган даъвосига эътибор беринг: «ХДП Жамоатчилик қабулхоналари сайловчилар учун қандай аниқ масалаларни ҳал этди?», «...Жамоатчилик қабулхоналари билан ҳеч нарсани очиб бўлмайди».

Саволнинг бундай тарзда қўйилиши ва масалага билдирилган муносабат «ЎзЛиДеП фаоли» партиясининг ишларидан бехабарлиги, бундай иддаони айтишдан олдин Жамоатчилик қабулхоналари мақсади, фаолияти билан мулоқот қилиб кўрмаганлигини кўрсатди. Шунингдек, унинг бу гаплари партиясининг электорати, оддий одамлар муаммоларига беписандлигидан далолат беради.

Ўтган тўрт йил давомида Жамоатчилик қабулхоналарига ўз муаммолари билан 50 мингдан ортиқ фуқаро мурожаат қилди. Уларнинг ҳар тўрт нафаридан учтасига амалий ёрдам кўрсатилди. Жамоатчилик қабулхоналари элек-

торат билан юзма-юз учрашиш, уларни ташвишга солаётган масалаларни ўрганиб, ҳулоса чиқариш имконини бермоқда.

Айни чоғда қишлоқ ва шаҳар жойларидаги долзарб масалалар таҳлил қилиниб, шу асосда халқ депутатлари маҳаллий кенгашилари сессияларида, маҳаллий кенгашлар депутатлик гуруҳлари орқали партиямизнинг парламентдаги фракциясига тақлифлар киритилмоқда.

Баъзан курашда гўлиб чиқиш учун турли ўйинлардан фойдаланганилар ҳам учраб туради. Аммо ёлгон ёки асосиз гаплар билан одамларни чалғитиб, улар эътиборини қозонишга уриниш ҳеч кимга оғир келтирмаган. Бундай хатти-ҳаракат, аввало, одамларга нисбатан ҳурматсизлик ҳисобланади. Ҳаётнинг ёзилмаган бир қондаси бор — ҳурмат қилган кишининг олдида ёлгон гапирилмайди.

Биз ҳалол, соғлом кураш тарafdоримиз. Ғирромлик билан устун келгандан кўра, ҳалол курашиб, ўз қадрингни сақлаб қолганинг афзал, деб ўйлаймиз.

ЎзХДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ

2

ОДИНАНИНГ ТАРИХИ ВА ТАҚДИРИ

3

БУХОРО ГИЛАМЛАРИ


4

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

БИЗ ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ УЧУН КУРАШАМИЗ



Бу тузилма орқали партия ташкилотлари ва электротар вакиллари ўртасида яқин мулоқот ўрнатишда яна бир муҳим восита юзага келди. Уларни қизиқтираётган муаммоларни аниқлаш, долзарб ижтимоий масалаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш маркази пайдо бўлди. Кўпчиликка тегишли ижтимоий масалаларни туман, шаҳар даражасида комплекс ҳал этиш юзасидан партия ташкилотларининг фаолиги, ташаббускорлиги сезиларли даражада кучайди. Тушган мурожаатларни умумлаштириш орқали ҳудуддаги мавжуд ижтимоий масалалар, электротар ташвишлантираётган муаммолар юзасидан партия ташкилотларининг позициясини шакллантиришнинг муҳим институти вужудга келди. Электротар вакилларига ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, ёрдамга муҳтож кишиларнинг ёнига кириб, улар билан ҳамнафас бўлиш, қонунлар, Президент Фармон ва қарорлари, ҳуқуқат даражасидаги ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тушунириш, уларнинг жойларда ижро этилиши мониторингини юритиш борасида ташкилий тадбирлар, амалий ишлар реал маънода кучайди, кенгайди.

Кейинги йилларда Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятида катта тажриба тўпланди. Йирик бошланғич ташкилотларда, айрим маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам қабулхоналар очилгани партиянинг халқимиз орасига янада чуқурроқ кириб боришга интилиши кучлигидан далолат беради. Айниқса, шу йил бошидан бошлаб минтақаларда кўпма кўп қўйилаётгани олис ҳудудларда яшаётган фуқаролар, электротар вакилларини қувонтирмади. Бу айрим муаммолар юзасидан қаерга мурожаат қилишни билмай юрган фуқароларга жуда маъқул тушмоқда.

Мурожаатлар орасида коммунал соҳа, иш билан таъминлаш, иш ҳақини ўз вақтида ололмастик, моддий ёрдам, ер участкалари ажратиш, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва бошқа соҳаларга оид ижтимоий масалалар кўпчилигини ташкил этади.

Ижтимоий соҳадаги партияимиз илгари сураётган устуворликлар тўғрисида сўз юритар эканмиз, кўйидаги масалалар ҳусусида тўхталиб ўтмоқчи эдик.

ЎзЛиДеП томонидан «ХДП ўзи нимага эришмоқчи?» деган саволни кўп эшитишга тўри келади. Уларнинг айтишича, агар ҳозирда дав-

лат бюджетининг шундоқ ҳам 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилаётган бўлса, ижтимоий ҳимояни янада кучайтириш ҳақида қандай гап бўлиши мумкин? Аввало, шунга айтиш кераки, мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда аҳолини, айниқса, ўтиш даврида ижтимоий ҳимоя қилиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Кучли ижтимоий ҳимоя «Ўзбек модели»нинг ўзига хос жиҳатидир. Бу, албатта, мутлақо ЎзЛиДеПнинг ҳизмати эмас. Биз доимо ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли лойиҳаларни амалга ошириш тарафдори бўлган эдик ва бўлиб қоламиз ҳам. ЎзХДП ижтимоий ҳимояни умуман кучайтириш эмас, балки унинг янада манзилли йўналтирилишини кучайтириш тарафдоридир.

Масалан, меҳнатга лаёқатли аҳолини энг самарали ҳимоялаш воситаси — уларни ишга жойлаштириш, деб ҳисоблаймиз. Бюджетдан молиялаштириш соҳасида эса, биз аввало ижтимоий соҳа учун ажратилган маблағларни янада мақсадли сарфлашга эришмоқчимиз. Бу вазифаларни тўлалигича ҳал қилиш эса фақат бизгагина боғлиқ эмас. Масалан, бюджет маблағлари тўғрисида сарфлашни учун уларнинг тўлиқ йиғилишини таъминлаш зарур.

Агар ЎзЛиДеП ислохотлар тақдирини ўзини масъулиятини зиммасига олишини билдирган бўлса, нима учун мазкур партия шу пайтгача парламентда энг катта депутатлик корпусига эга партия сифатидаги ўз ваколатларидан тўлиқ фойдаланмапти?

Ижтимоий ҳимоя ҳақида сўз юритар экан, ХДП бу вазифалар давлат бюджетидан ҳал қилиниши кераклигини назарда тутмаганди. Биз ушбу масалаларда бизнеснинг масъулиятини ошириш тарафдоримиз.

Яна шунга таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Президентининг уй-жой-коммунал тизимни ислоҳ қилишга йўналтирилган қарорларида бош вазифалар қаторида ушбу соҳада соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш белгиланган эди. **Бирок ўзини давлат ва жамият ҳаётининг барча тарафларини либераллаштириш гоёси тарафдори деб билган ЎзЛиДеП дастурий ҳужжатларида мана шу ўта муҳим соҳада ишбилармон фаоллигини жонлантириш борасида бирорта ҳам сўз айтилмаган. Шунингдек, мазкур жабада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ҳақида ҳам ҳеч нарса дейилмаган. Ички бозорни монополиядан чиқариш ва соғлом рақобат учун шароитлар яратиш ҳақида эса қандайдир бир узоқ вазифа ҳақида гапиргандек сўз юртадики, уни миллий бизнес ривожлангани сари ҳал қилар эмишимиз! Бу масаланинг долзарблигини ҳис этмаслик, бизнингча, бу сиёсий жиҳатдан узоқни кўра олмаслик, демакдир.**

Бундан ташқари, ЎзЛиДеП сайловолди дастурини ўрганиб чиқ-

қач, шунга алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдикки, мазкур сиёсий ҳаракат ижтимоий соҳа, шу жумладан, соғлиқни сақлаш жабаҳисини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади. Партия раҳбарияти ўз чиқишларида ЎзЛиДеП соғлиқни сақлаш тизимида хусусий секторни ривожлантиришга хизмат қилувчи қонунларни илгари суришини билдирмоқда ва айнан шу омил тиббий хизматлар сифатини оширишнинг бош йўналишига айланиши лозим, деб ҳисоблайди. ХДП соғлиқни сақлаш соҳасига бундай ёндашуви бир ёқлама ва аҳолининг кенг қатламлари манфаатларини ҳисобга олмайди, деб билади. Бизнинг партия айнан давлат соғлиқни сақлаш секторига хизмат қўрсатиш сифати оширилиши керак, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон ХДП хусусий тиббиётнинг ривожланиш йўналишларини эътиборга олган ҳолда, мазкур соҳадаги юқори сифатли, замонавий тиббий хизматлардан аҳолининг барча қатламлари фойдаланиш имкониятига эга бўлишларини хоҳлардик. Шу босис деб соғлиқни сақлаш тизимида минимал давлат стандартларини киритишни ёқлаймизки, булар ўз навбатида, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча тиббиёт муассасаларида кафолатланган тиббий хизматлар рўйхатини белгилаб бериш имконини яратади.

Электротар манфаатлари ҳимояси ҳақида гап кетар экан, бу борада Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияимиз фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Парламент кўйи палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси партия Дастурида, Сайловолди платформасида белгиланган, депутатликка номзодларимизнинг 2004 йилги сайловолди урчуларларида сайловчилар томонидан қўйилган вазифаларни бажаришга алоҳида эътибор қаратади.

Қонунчилик палатаси мажлислари муҳокамасига киритилган барча қонунлар лойиҳалари ва бошқа муҳим масалалар фракцияимиз йиғилишларида муҳокама қилиниб, улар буйича фракциянинг позицияси ишлаб чиқилди. ХДП электротар манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга қатор қонунлар лойиҳалари буйича фракция аъзолари орасидан махсус ишчи гуруҳлари тузилиб, фракциянинг тақлифлари, айрим моддалар буйича депутатларимизнинг муқобил лойиҳалари тайёрланди, бир қатор қонунлар лойиҳалари буйича махсус ишчи гуруҳлари фракция тақлифларини ишлаб чиқди, палата мажлисларида улар қатъият билан ҳимоя қилинди. Қабул қилинган кўпгина қонунларда биз билдирган фикрлар, киритган тақлифлар ўз ифодасини топди.

Халқ демократик партияси фракцияси ўз фаолиятида ижтимоий соҳага йўналтирилган қонун ҳужжатлари ижро этилиши масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқ-

да. Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қорхоналари, идора ва ташкилотлар масъул раҳбарларининг ахборотларини тинглаш буйича қатор ташаббуслар билан чиқдик.

Хусусан, фракция ташаббуси билан Қонунчилик палатасининг мажлисларида аҳолини киши мавсумда электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисидаги масала юзасидан Ҳукуматнинг ахборотлари эшитилди. Муҳокамалар чоғида аҳолини киши мавсумда электр энергияси ва табиий газ билан узлуксиз таъминлаш ўта муҳим ҳаётий зарурат экани таъкидланди. Мазкур соҳадаги муаммоларни ҳал этиш юзасидан тақлифлар киритилди. Фракция аъзолари ўзлари сайланган округлардаги ва жойлардаги аҳолини электр энергияси ҳамда табиий газ билан таъминлаш буйича камчилик, муаммоларни Бош вазир ўринбосари раҳбарлигида Қонунчилик палатасига келган Ҳукумат аъзоларига расман билдирдилар. Қонунчилик палатасининг бошқа депутатлари ҳам мазкур соҳада ўз сайловчиларидан тушган саволларга оидинлик қилиш, тегишли муаммоларни улар эътиборига ҳавола этиш имконига эга бўлди. Бу икки палатали парламент шариоитида ушбу масала юзасидан илк маротаба Ҳукуматнинг депутатлар олдида ахборот бериши эди.

Энг муҳими, электротаримиз манфаатларини таъминлашга қаратилган ташаббусларимизнинг амалга ошаётгани, электротаримиз вакиллари эса буни чуқур ҳис қилиб, партияимиз тарафдорлари сафининг кенгаётганидир. Партияимиз ва унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси бундан кейин ҳам электротаримиз манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ватанимиз тараққиётини таъминлашга қаратилган ишларини изчил давом эттиради.

Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатлигига партияимиздан билимли, катта ҳаётий ва сиёсий тажрибага, қонун ижодкорлиги салоҳиятига эга номзодлар кўрсатилишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Сайлов куни уларга овоз бериш орқали сиз ўз манфаатларингизни ишончли ҳимоя қилиб, ўзингиз ва фарзандларингиз келажаги учун муҳим қадам ташлаган бўласиз.

Биз электротаримиз манфаатларини таъминлаш учун сиёсий майдонга қарашамиз. Ҳар қандай шариоитда бу биз учун устувор вазифа бўлиб қолаверади.

Қаҳқор ИБРАГИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси. («Халқ сўзи» газетаси, 2009 йил 18-декабрь.)

Хусусан, «Ипотека тўғрисида»ги, «Истеъмол кредити тўғрисида»ги қонунлар аҳолига катта имконият яратиб берди. Шундай бўлишига қарамасдан ушбу қонунларни қабул қилиш чоғида бизнинг фракция бошқа сиёсий партиялардан сайланган депутатлар томонидан қўллаб-қувватланмаган ҳоллар бўлди. Масалан, «Ипотека тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси пайтда ЎзХДПнинг лойиҳадаги камчиликлар кўрсатилиб, лойиҳа муаллифларига

лозим, деб ўйлайман. Бундай муаммолар тадбиркорлар ва ишбилармонлар партияси бўлишига ЎзЛиДеП эътиборидан четда қолаётгани билан биз келиша олмаيمиз. Ва бу масалада ўз тақлифларимизни ишлаб чиқиш устида ўйлашимиз.

— Биз кўпинча фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳақида гапирамиз-у, бироқ қонунларнинг уларга қай тарзда етказиш ҳақида унутиб қўямиз, — деди сайловчи Маълоҳат Остонава. — Машқура опа во-

ҚОНУНЛАР ИНСОНГА, ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

қайта ишлашга юбориш тўғрисидаги тақлифи ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари томонидан қўллаб-қувватланмади. Фақат, ЎзХДП фракциясининг сайё-ҳаракатлари, қатъий позицияси натижасида лойиҳа қайта ишланиб партияимиз электротари, аҳолининг барча қатламлари манфаатига хизмат қиладиган қонун қабул қилинди.

Ҳосият МУҲАММАДИЕВА, Ҳўжахўросон маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Шаҳримиздаги консерва, пиллачилик ва бошқа йирик қорхоналар хусусийлашгач, фаолиятини дам тўхтатиб, дам ишчиларни вазифасидан бўшатди. Илгари бу қорхоналарда минглаб одамлар меҳнат қилишган. Бу қорхоналар эгаларига таъсир қўрсатиш, масалани ҳал этишнинг йўллари борми?

Машқура САҒАЕВА:

— Аввало, шунга айтиш кераки, хусусийлашган қорхоналар эгалари амалдаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилишлари зарур. Шу ўринда «Банкротлик тўғрисида»ги қонунга қўшимчалар киритиш ҳам

ҳага келиб, сайловчилар билан учрашганларида жонли ва тушунарли гапиришлари билан одамларни ўзига ром этади. Ҳозир ҳам учрашууда ота-она, ака-ука, опа-сингли билан гаплашгандай дилдан сўхбатлашди. Натижада айрим қонунларнинг ўзига ҳослиги, уларни қай жиҳатдан такомиллаштириш, бунда фуқароларнинг бурч ва вазифалари ўқурашга келганлар учун тушунарли бўлди. Номзод билдирётган фикрлар, айниқса, чекка ҳудудларда аҳолини, ёшларни иш, барқарор даромад манбаи билан таъминлаш ҳақидаги ЎзХДПнинг дастурий гоёлари бизга жуда маъқул бўлди.

— Рост, — дейди 90-мактаб ўқитувчиси Феруза Зайниддинова. — Депутатликка номзод билан учрашувдан кўнглим тўлди. Негаки, ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти, депутатнинг одамлар билан маслаҳатлашиши, яратилажак қонунларнинг пишиқ-пукта бўлиши учун масъулият катта эканлиги, Ўзбекистон ХДП сайловолди дастурининг асосий йўналишлари билан батафсил танишдим.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири. Шерниёз ҚАЙМОВ олган сурат.

2009 йил — Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

«Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури асосида Фарғона вилоятида ҳам аҳоли фаровонлигини ошириш, бандлигини таъминлаш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида шаҳар ва туманларда 56 мингдан орტიқ янги иш ўрни яратилди.

БАНДЛИК МАСАЛАСИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

— Аҳоли бандлигини таъминлаш борасида аниқ чора-тадбирларни амалга оширишмоқдамиз, — дейди вилоят меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Файзулло Қосимов. — Жапон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган ҳозирги пайтда бу борадаги ишлар янада муҳим аҳамият касб этади. «Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури асосида кишлоқ аҳолиси учун 41 мингдан орტიқ иш ўрни яратилди. Шаҳар ва туманларда 86 маротаба меҳнат ярмаркалари ўтказилди.


— Мен кишлоқ ҳўжалиги коллежини тамомланганман, — дейди Кува туманида яшовчи Раъно Болтаева. — Туманда ўтказилган меҳнат ярмаркасида иштирок этиб, «Кватекстиль» масъулияти чекланган жамиятига ишга жойлашдим.

Бу каби муҳим иш ўрнига эга бўлган ёшлар кўпчилигини ташкил этади. Жорий йилда вилоятдаги коллежларни битирган 34 мингдан зиёд ёшларнинг 29500 нафари ишга жойлашди.

Вилоят меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси кўмагида коллежлар қошида касбий тайёргарлик буйича қайта ўқитиш курслари очилди. Жойлардаги шарт-шароит, маҳаллий аҳолининг турмуш тарзидан келиб чиқиб, махсус курсларда чилангарлик, автомобиль, тикув машиналари, турли техника асбоб-ускуналарни усталари тайёрланди. Улар ҳозир турли қорхоналарда меҳнат қилмоқда.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири

ИСАХОН САЙДИЛОВ (22-Музработ сайлов округидан халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши депутатлигига номзод)



1969 йилда тугилган. Ҳозирги Тошкент аграр университети, Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институти тугатган. Мутахассислиги — иқтисодчи-ташкilotчи, тўқимачилик sanoati махсулотлари технологи.

Меҳнат фаолиятини жамоа ҳўжалигида бошлаган. Ҳарбий хизматда бўлган. Хизматдан сўнг жамоа ҳўжалигида ҳисобчи-иқтисодчи бўлиб ишлаган. 1996 йилдан 2002 йилгача Сурхондарё вилоят «Пахтаसानотсотиш» бирлашмасида ҳисобчи, бош ҳисобчи ёрдамчиси, бирлашма раиси ўринбосари вазифаларида хизмат қилган. 2002-2008 йилларда «Музработ пахта» очик турдаги ҳиссдорлик жамияти раиси ўринбосари, жамият раиси, «Сурхонпахтасаноат» бирлашмаси ҳисобот бўлими бошлиғи, раис ўринбосари лавозимларида ишлаган. 2008 йилдан «Сурхонпах-

тасаноат» бирлашмаси бошқаруви раиси.

— Менинг сайловолди қарашларим партияимизнинг сайловолди сиёсий позициясига асосланган, — дейди у. — Аҳолининг бандлиги муаммосини ечиш, қўшимча иш ўринларини яратиш ва меҳнатга лаёқатли ҳар бир инсон, айниқса, ёшлар маълумоти ва мутахассислигига мос иш билан таъминланиши механизмини такомиллаштириш лозим. Шунингдек, хотин-қизлар меҳнатини муҳофаза қилиш, уларни ижтимоий фойдали меҳнат билан банд қатор тақлифларим бор.

Ёшлар билан ишлашга жиддий эътибор бериш, ёшлар ўртасида турли тадбирлар ўтказиш, ёш оилаларнинг оёққа туриши ва мустақамланиши учун турар-жой сотиб олиши ёки яққа

тартибда уй қуришга қўмаклашиш долзарб вазифадир. Уй-жой-коммунал хизматлари самарадорлигини ошириш, шаҳар ва қишлоқларда инфратузилмани ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни янада кучайтириш зарур, деб ҳисоблайман.

Маҳаллий Кенгашлар депутатлари учун энг муҳим масала минтақавий ижтимоий-иқтисодий ва бандлик дастурларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этишидир. Мен ушбу жараёнда партияимиз электротари манфаатларидан келиб чиқиб, тақлифлар киритмоқчиман.

ИБРОҲИМ ЁҚУБОВ

(54-Темирйўлчи сайлов округидан халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши депутатлигига номзод)



1959 йилда Шўрчи туманида тугилган. Ҳозирги Тошкент ирригация ва мелiorация институтини тамомлаган. Мутахассислиги — инженер-иқтисодчи.

Меҳнат фаолиятини 1982 йилда Боботўғ кўча қурилиш калоннасида инструктор сифатида бошлаган, режалаштириш ва иқтисод бўлими бошлиғи бўлган. 1984-1990 йилларда қурилиш, ёшлар ташкилотига турли лавозимларда ишлаган. 1990-2001 йилларда Молия вазирлиги Бош назорат тафтиш бошқармасининг Сурхондарё вилояти бўйича 1-тоифали назоратчи тафтишчиси, Термиз шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи, Молия бўлими мудири, вилоят молия бошқармаси бюджет бўйича бош иқтисодчиси, Молия вазирлигининг вилоят бўйича молия инспекторлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи бош иқтисодчи сифатида фаолият кўрсатган. 2001 йилдан Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган кишлоқ ҳўжалиги махсулотлари ҳисоб-китоби Жамғармасининг Сурхон-

дарё вилоятидаги минтақавий бош инспектори.

Халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши депутати.

Иброҳим Ёқубов «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг ҳуқуқий механизмлари таяниб, аҳолининг эҳтиёжидан қатламлари ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

— Сайловчилар ишончини қозониб, депутат этиб сайлансам, — дейди у. — Биринчи навбатда меҳнатга қобилиятли кишиларнинг маълумоти, мутахассислиги ва касбий тайёргарлиги даражасига мос иш билан шуғулланиши учун шароитлар яратиш, ишга жойлаштириш тизимини такомиллаштириш йўли билан уларни ишга жойлаштириш масалаларини самарали ҳал этиш тўғрисидаги фикрларимни илгари сурмоқчиман. Қолаверса, касаначилик асосида янги иш ўринлари ташкил этишни такомил-

лаштириш юзасидан тақлифларим бор.


Қонунларда, Президентимизнинг «Еш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва бошқа фармон ҳамда қарорларида белгиланган имтиёзлардан аҳолининг тўла баҳраманд бўлишига қўмаклашиш, бунинг учун ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг жойларда бажарилишини назорат қилиш, айниқса, маҳаллий Кенгашларнинг бу борадаги фаолигини ошириш зарур, деб ўйлайман. Фармон ижроси учун масъул бўлган тижорат банклари, молия ва солиқ идораларида депутатлар ҳамда мутахассислардан иборат гуруҳ ташкил этиб, назорат-таҳлиллар ўтказиш, унинг яқунлари бўйича сессиялар кун тартибига масалалар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда Қашқадарё воҳасида кўплаб маданий-меморий мажмуалар бор. Қарши шаҳридаги Одина жомеъ масжиди шулардан биридир.

Тарихдан маълумки, 1219-1220 йилларда Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар истилоси вақтида Марказий Осиёнинг ўнлаб шаҳарлари қаторида Қарши, яъни Насаф ҳам буткул вайрон қилинди. Бир неча асрлар давомида шаклланган ва ривожланган жаҳоншумул маданият, илим-фан тамаддуни бир муддат тўхтаб қолди. Орадан бир аср вақт ўтиб, Ўрта Осиёда мўғуллар истилосидан сўнг пайдо бўлган давлат — Чингизий улусининг маркази сифатида Қарши қалъаси танланди.

Дастлаб хон ўрдаси сифатида қурилган мазкур обида тахт талашилар, урушлар натижасида бир неча бор вайронга айланган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, 1365 йил Амир Темур «Лой жангидан қайтишда Қаршида бир муддат туриб қолади. Шу аснода улуг Соҳибқирон ўрда негизида мухташам обида барпо эттиради ва унга «Одина жомеъ масжиди» дея ном беради. Шундан кейин бир неча йил бу жойи зибелилар тўпланадиган маскан вази фасини ўтади. Мазкур обидани не-не кемшиларга гувоҳ бўлмаган. 1512-1513 йилларда Шох Исмоил Сафавий мулозимларидан бири Нахжи Соний, 1739-1740 йилларда Нодиршоҳ хужумлари чоғида, XIX аср 60-йиллари охирида чоризм босқинчилари томонидан Қарши шаҳри беаёв тўлга тутилган вақтда муаззам обидани жиддий зарар етди. Шўролар ҳукмронли-

ОДИНАНИНГ ТАРИХИ ВА ТАҚДИРИ



гининг дастлабки йилларида обидани айвони, баланд миноралари ва мовий гўмбазли меҳробни бузиб ташланди. Аввалига Одинага турли идоралар жойлаштирилди. Кейин ундан омборхона сифатида фойдаланилди. 1928 йилга келиб, Қаршида нафақат Одина, балки Абдуллаҳон, Абдулазиз ва Қиличбек мадрасалари фаолияти умуман тўхта-тилди. Кўп ўтмай улар қамоқхона — «Ардом» (арестанский дом)га айлан-тирилди. Ёгондан миллий-меморий услубда бунёд этилган эшик-ром-лар олиб ташланиб, ўрнига темир панжаралар ўрнатилди. Пештоқлар

қўпорилиб, ўнлаб арк ва равоқлар алоҳида-алоҳида камерага айлантирилди. 1937 йилдан бошлаб қамоққа олинган халқимизнинг тафаккури теран фарзандлари шу жойда сақланди. — 1980-йиллардаги «Пахта иши» даврида бу ерда 850 нафаргача одам сақланган, — дейди ҳуқуқшунос ёзувчи Сафар Каттабоев. — Ун кишига-ча туриши керак бўлган камераларда 40 нафарга-ча маҳбус қамалган. Жой йўқлигидан қаватма-қават ўрнатилган темир қаровот-ларда навбатма-навбат ух-лашган... — Бу ер баланд бетон девор билан ўралиб, де-

вор устидан бир неча қатор тиканли сим тор-тилганди, — дейди қарши-

лик кекса соатсоз Убайдулла Гапоров. — Бир пайтлар турган-битгани ваҳима эди. Маҳбусларнинг фиғони ташқарига эшитилиб турарди. Шунинг учун кўпчилик унинг ёнидан юрагини ҳовучлаб ўтарди.

Истиклол йилларида обидани собиқ тузум даврида ўрнатилган қўшимча деворлар, панжаралар, бинолар бузиб ташланди. Одамлар кўз ўнгида шарқона услубда қурилган маҳобатли Одина жомеъ масжиди буй кўрсатди. Обидани ободонлаштириш, тиклаш ва қуриш ишлари вақтида шу пайтгача маълум бўлмаган, ер қаърида қолиб кетган қанчадан-қанча сир-синаотлар юзгага қалқиб чиқди...

2006 йил 27 октябрь. Президентимиз Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нуқтада шаҳар тарихи, ундаги маданий обидалар ва қадриятлар ҳақида сўз юритар экан, Одина жомеъ масжиди кемшига ҳам тўхтади.

Дарҳақиқат, Қарши шаҳри ва унинг атрофидаги 120 дан ортқ тарихий ёдгорликдан бири бўлган мазкур обидани, афсуски, бизгача асл кўринишида эмас, қурку тароватини йўқотган ҳолда етиб келди. Аммо у Соҳибқирон

Маданий мерос

Амир Темур бунёд этган вақтдан 620 йил ўтиб, Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан тубдан таъмирланиб, аксарият қисми қайтадан қури-либ, маҳобатли қиёфа касб этди.


Хозирги пайтда ушбу масканда Қарши шаҳри ҳамда Одина тарихига доир нодир осори-атиқалар сақланмоқда. Шунингдек, ундаги XIX ва XX асрга мансуб кулолчилик намуналари, турли тарихий суратлар ҳамда миллий қадриятларимиз ахс этган ашёлар меҳмонларда, ай-ниқса, сайёҳларда катта қизиқиш уйғотяпти.

Мажмуа негизда «Ўз-ликни англаш маркази» ҳам фаолият юритади. Унда Қарши шаҳри ва Амир Темур ҳаётига оид юзга яқин турли жанрда-ги китоблар мавжуд. Таш-риф буюрган ҳар бир киши қадимда Нахшаб, Насаф, Нашеболо, Боло номлари билан машҳур бўлган Қаршининг узоқ ўтмиши, қадимий ўрни ва манзиллари, мажмуа тар-кибига кирувчи обидалар ҳақида муфассал маълум-от олади.

Бугунги кунда Қашқадарё воҳасида Одина қаторида, ўнлаб маърифий даргоҳларнинг қад-ди ва қадри яна тиклан-ди, янада баланд бўлди. Зеро, оққан дарё оқаве-ради. Истиклол туҳфа эт-ган озодлиқ неъматидан баҳраманд интеллектуал салоҳияти бой халқимиз Одина сингари маданий меросимиз бўлган оби-даларимизни кўз қорачи-гидек асрайди ва юрти-мизда бунёдкорлик иш-ларини амалга ошираве-ради.

Илҳом ҚАРОМОВ

Беларусь Мудофаа вазирлиги мамлакат куролли кучлари шахсий таркибидан мобил телефони-дан фойдаланишда чеклов жорий этди.



«СОТКА»ДАН ФОЙДАЛАНИШ

чекланди

Яъни муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган, ҳарбий ўқув юртларида таҳсил олаётган, шунингдек, ҳар-

бий мажбуриятли шахсларнинг хиз-мат доирасида мобил телефони-дан фойдаланиши тақиқланди.



Фақат таътилга чиқса, дам олиш куни кўчага чиқса мобил телефони-дан фойдаланишга рухсат берилади. Ҳарбий қисмга ёки ҳарбий ўқув юртига қайтган эса қўл телефони навбатчи қисмга топширилади.

«Еженеделник» нашрининг ёзи-шича, бундай чеклов жорий эти-лишига сабаб ҳарбий сирлар ош-кор бўлишининг олдини олишдир.

ОЙЛИК МАОШЛАР

«тариф сетка»сизга солинади

Венесуэла миллий ас-самблеяси (парламен-ти) давлат хизматчилари ва хусусий сектор ходимларининг маошларини тартибга келтирув-чи «тариф сетка»сини жорий этиш бўйича янги қонун лойиҳасини қабул қилди. Унга кўра, энг юқори даражадаги ой-лик маошлар 15 мини-мал маош миқдоридан ошиб кетмаслиги ло-зим.

Шундай қилиб, дей-лади ИТАР-ТАСС ахбо-ротига, келгуси йилда мамлакатда энг юқори маош 14 минг 505 бо-ливар (6 минг 746 дол-ларга тенг)ни ташкил этади.

Ушбу қонун лойиҳаси жорий йил мартда ҳуку-мат томонидан ишлаб чиқилиб, парламентга тақдим этилган. Ушан-да ҳукумат ҳақон мо-лиявий-иктисодий инқи-рози шароитида давлат ва хусусий сектор хара-жатларини камайтириш мақсадида бир қанча чора-тадбирлар ишлаб чиққан ва юқори мансаб эгалари учун белгила-нган имтиёزلарни бе-

КОММУНИСТИК РАМЗЛАР

қатъиян тақиқланди

Польша президенти Лех Качинский коммунистик рамзлар савдоси ва уларни ишлаб чиқариш, тарқатиш билан шуғулланувчиларга нисбатан жиноий жавобгарликни назарда тутувчи янги қонун лойиҳасини маъқуллаб, имзо қилди.

Янги қонун талабига кўра, дейила-ди «Associated Press» АА хабарига, коммунистик рамзларига эга бўлса ёки сотса, ёйинки тарқатса, кат-та миқдордаги жарима жазосига ёки 2 йилгача бўлган муддатга қамоқ жа-зосига тортилади.

Улардан бадиий ижод ёки таълим тизимида фойдаланиш, яъни комму-низм ва фашизм ҳақида тушунча бе-риш мақсади тақиқловдан мустасно.

ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ПРЕДПРИЯТИЙ И ОРГАНИЗАЦИЙ!

Uzbekiston havo yo'llari



— мини-тягачей типа «Му-лаг» или «Нисан» — 5 еди-ниц; — автомобильных транспор-теров с конвейерной лентой — 3 единицы. Тендер будет проводиться с 20 декабря 2009 года по 15 января 2010 года.

ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ «МЕЖДУНАРОДНЫЙ АЭРОПОРТ ТАШКЕНТ»

объявляет тендер на приобретение следующей специальной автомобильной техники для работы на перроне:


Желающих участвовать в тендере просим прислать на E-mail: sarpnyal950@mail.ru или по факсу (8-10-99871)-140-28-48 заявку на получение инструкции по представлению тендерной документа-ции. Инструкция будет пред-оставлена на безвозмездной

основе по указанному в заяв-лении электронному адресу. Заялки под участие в тен-дере не взимаются. Заявки на пакет тендерных документов будут приниматься до 30 декабря 2009 года. Прием тендерных предложе-ний до 10.01.10 года включи-

тельно. Максимальный срок постав-ки техники — 20 марта 2010 года. Дополнительную информа-цию можно получить по телефону (8-10-99871)-140-29-54, спросить Семена Аркадьевича.

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР

Бухоро Озиқ-овқат ва энгил саноат технологияси институтида тайёрланмоқда



Мазкур таълим масканида кейин-ги йилларда янги факультетлар, кафедралар, лабораториялар, компьютер заллари ишга туширилди. Хусусан, кимё, қандолат, нон, макaron ва озиқ-овқат технологияси бўйича ташкил этилган лабораториялар замонавий ускуналар, тажриба жиҳозлари, мебеллар билан таъминланди. Талабалар ва ходимлар учун мўлжалланган 200 ўринли ошхона жамоа кучи билан қуриб битказилди ва тўла жиҳозланди.

Бу тадбирлар институт мавқеини мустаҳкамлашга, ўқиш-ўқитиш сифатини оширишга хизмат қилди. Натижада талабалар кафедралари ва лабораторияларда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари кенг жалб қилинди. Ўқитиш ва ишлаб чиқариш амалиёти шакллари ҳам борган сари янгиланди. Илмий ва ижтимоий бирлашмалар ТИТИ (талабалар илмий-тарраққиёт ишлари) ва ИКФ (ижтимоий касблар факультети)га ёшларни кенг жалб қилишга эришилди. Озиқ-овқат технологияси ва энгил саноат технологияси факультетлари очилди. Мавжуд 5 факультетда бугунги кунда бакалавр ва магистр йўналишлари бўйича мутахассис кадрлар


тайёрланмоқда. Булар — озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси, механика, бизнес ва бошқарув, тўқимачилик ва энгил саноат, касб таълими факультетлари-ридр. Уларда ишлаётган 327 нафар профессор-ўқитув-чилардан 18 нафари фан доктори, 166 нафари фан номзоди. Юқори малакали илмий даражага эга кадрлар тайёрлаш олий ўқув маскани олдида турган асосий вазибалардан бири

бўлганлиги учун бу ерда ўқув-услубий ишларни та-комиллаштириш йўлида махсус услубий хонаси ташкил қилинди. Институтда Кадрлар тай-ёрлаш Миллий дастуридан келиб чиқиб, ўқув жараё-нининг моддий-техника ба-засини янада кучайтириш-га катта эътибор берил-моқда. Барча ўқув хонала-рий компьютерлаштирилди. Ички-локал тармоқ ишга туширилиб, ўқув хоналари-даги компьютерлар «Ин-

тернет» тармоғига уланди. Биргина механика факультети 5 та кафедрани ўз ичига олади. Унда нефть ва газ иши, нефть ва газни қайта ишлаш технологияси, умумий физика, умумий кимё, чизма геометрия ва чизмачилик кафедралари ишлаб турибди. Факультетда нефть ва газ иши, нефть ва газни қайта ишлаш технологияси йўналишларига алоҳида эъти-бор қаратилаётгани бежиз эмас. Негаки, мамлакат-

миз иқтисодиётида нефть-газ саноати энг жадал ривожланувчи тармоқ сифатида катта роль ўйнамоқ-да. Табиийки, унинг олди-га қўйилган кенг қамровли вазибаларни адо этиш учун тармоққа келгусида минглаб малакали кадрлар керак бўлади. Шу боис механика факультетидаги 5 та кафедранинг иккитаси нефть ва газ иши, нефть ва газни қайта ишлаш технологияси йўналишида давлат корхоналари ва лойиҳа конструкторлик илмий-тадқиқот институтлари учун мутахас-сислар тайёрланади. Стандарларда белгиланган зар-рур таълим дастурларини муваффақият билан ўзлаш-тирган шахсларга бакалавр даражаси берилади. Тегиш-ли соҳа бўйича бакалаври-атни битирган талаба тан-лаган мутахассислик бўй-ича магистратурада олий таълимни давом эттиради. Касб таълими — «Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси» йўналиши бўйича академик лицей ва уларни бошқарув тизимла-рида, шунингдек, давлат корхоналарида ва лойиҳа-

Таълим ва тарраққиёт



конструкторлик илмий-тадқиқот институтларида фао-лият кўрсатадиган муҳандис бакалаврлар етишиб чиқади. «Нефть ва газ иши» йўна-лиши бакалаврининг кас-бий фаолият объектлари: нефть ва газ мажмуи кор-хоналари, қуруқликда ва денгизда нефть ва газ қудуқларини бургулаш, нефть, газ ва газоконден-сат конларини ишлаш учун зарурий техник қурил-малар ва воситалар, магистрал нефть-газ қувур-лари, нефть-газ сақлагичла-ри ва омборларини қуриш ҳамда ишлашдан иборат. Магистратура мутахассис-ликлари — «Нефть ва газни қайта ишлаш ва унинг кимёвий технологияси» ҳамда «Нефть ва газ кон-ларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш» мутахассислигидан иборат. Ушбу мутахассислик

магистрлари махсус илмий-тадқиқот ҳамда илмий-пе-дагогик тайёрликдан сўнг лойиҳалаш-конструк-торлик, экспериментал-тад-қиқот ишлари, ишлаб чиқ-аришни бошқариш ва лойи-ҳалаш-технологик фаолият бўйича етук мутахассисла-ри бўлиб етишадилар. Институтда, хусусан, унинг механика факультетида тайёрланаётган кадр-лар мамлакатимиз халқ хўжалиги тармоқлари учун керакли мутахассислар. Улар келгусида Ватанимиз озиқ-овқат ва энгил саноат технологияси саноати тизимларида, иқтисодиёти-мизнинг бошқа бўғинлари-да астойдил ишлаб, рес-публикамиз ижтимоий-иқтисодий салоҳияти тобо-роа ошиши йўлида ўзлари-нинг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Зулямор УРОЛОВА



Хаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир

ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИ — БОШ МЕЗОН

Президентимиз Бухорога ташири чогида вилоят таълим соҳаси заҳматкашлари ишига юксак баҳо берган эдилар: «Бугунги кунда мамлакатимиз бўйича олий ўқув юртиларига энг кўп ёшлар қайси вилоятдан киради, деб сўраса, Бухоро вилоятдан, деб жавоб беришга барча асос бор».

Дарҳақиқат, вилоятда ўз умрини ёшлар тарбиясига бағишлаган 27 мингдан зиёд ўқитувчи ва мураббийлар фаолият кўрсатади. Давлат тест маркази таҳлилларига кўра, вилоятдаги Шофиркон, Пешку, Гиждувон, Ромитан, Бухоро туманлари ва Когон шаҳри кучли тўққизликдан ўрин олгани қувонарли. Олий ўқув юртиларига киришда Бухоро вилояти таълим муассасаларини тугаллаган ўғил-қизлар бу йил ҳам биринчи ўриндадир.

Буларнинг барчасида оз бўлсада, ҳиссамиз борлиги билан фахрланамиз, — дейди Гиждувон туманидаги 2-мактаб директори Абдуғаффор Қажҳоров. — Чунки меҳнатимиз самарасиз кетмаётти.

Шофиркон туманидаги 31-мактабда таълим-тарбия олганман, — дейди Бухоро давлат университети ўзбек филологияси факультети 1-курс талабаси Умида Бозорова. — Мактабдаги шароит, ўстозларим фидойилиги туфайли

республика фан олимпиадасида қатнашиб, фахрли биринчи ўринни олишга муваффақ бўлдим ва университетга имтиёз асосида ўқишга қабул қилиндим.

— Айни пайтда, — дейди вилоят ҳақ таълими бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Ўлмас Қораев, — вилоятда 541 та умумтаълим мактаби, 444 та мактабгача тарбия ва 36 та мактабдан ташқари таълим муассасаси, 19 та мусиқа ва санъат мактаби, 36 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 4 та махсус мактаб-интернат фаолият кўрсатиб турибди.

Президентимизнинг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги қарорига асосан вилоятда янгидан 7 та мактаб қурилади, 59 та мактаб капитал реконструкция, 116 та мактаб капитал, 181 та мактаб жорий таъмирланди. Жорий йилда 22 та мактаб мукамил реконструкция, 24 та мактабда капитал, 54 билим даргоҳида жорий таъмирлаш юмушлари поёнига етказилди. Шунинг таъкидлаш керакки, бундан ўн йил олдин вилоятда жорий этилган «Мактаблар кўни» тadbiri ҳам бу борада ўзининг муайян самарасини берди. Биргина шу ўқув йилида мактабларда оталик ташкилотлар томонидан 1 миллиард 221 миллион 700 минг сўмлик хомийлик ёрдами кўрсатилди.


Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Шундай кишилар бўладики, бир умр ўз касбига сидқидилдан хизмат қилади. Бепарволик, масъулиятсизлик билан мураса қила олмайди. Гоҳида атрофидагилар билан зиддиятларга ҳам боради. Лекин қочилса ҳам, йиқилса ҳам ўз мақсадларига эришиш учун интилаваради.

Бундай инсонлар атрофимизда оз эмас. Улардан бири — «Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси «Металлург» футбол клубининг оддий шифокори Мирзабурхон Дўстмуродов. У клубнинг фахрийлар ва ўринбосарлар жамоаларида тўп сураётган футболчилар соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга масъул. «Металлург» футбол клуби қошидаги ўсмирлар ва болалар футбол мактабида ҳозир 300 нафарга яқин ёш футболчи шуғулланмоқда. Бекобод шаҳри мактабларида унинг филиаллари ташкил этилган. Шифокор футбол мактаби бошлиғи Қажрамонжон Нурматов билан биргаликда ўинчилар соғлиғи ҳамма нарсадан устун, бунинг учун маблагни аяш катта йўқотишларга олиб келиши мумкинлигини каттакич мансабдорларга ўқдиришдан чарчамайди.

— Мақсадим битта — майдонга соғлом, иродали, матонатли футболчилар чиқса... Бу юзаки қараганда ниҳоятда оддий, жуда ҳам жўн орау. Лекин ўн уч ёшли ўсмирлар майдонда ўзларига ишонч ҳосил қилишлари, ортиқча зўриқмай тўп суришлари, ногаҳон шикастланишдан сақланишлари учун шифокор мураббийлар билан биргаликда қаттиқ бosh қотириши керак.

Халқаро ўинлар чоғида меҳмон жамоа ўинчиларидан бири шикастланиб қолди. Уйинга махсус бириктирилган маҳаллий тиббий ходимлар шикастланган оёқни энгил-елли



кўриб, ўраб қўя қолишди. Дўстмуродов қараса, қаттиқ оғриқдан боланинг авзойи ўзгариб кетган.

— Шикастланган жойни кўздан кечириб, суяк синган, деган хулосага келдим, — эслайди шифокор. — «Подушка» кўйиб ўрадим, ҳалиги мутасадди шифокорларга футболчини дарҳол шилинч тиббий ёрдам марказига олиб бориб, рентгенда текширтириб қўришни тайинладим. Навбатчи ёш футболчини тиббий марказга олиб боришга мажбур бўлди. Кўп ўтмай оёғини гипслатиб келишди.

— Шогирдларимнинг муваффақиятларида шифокоримиз Мирзабурхон аканинг алоҳида ҳиссаси бор, — дейди «Металлург» спорт клуби мураббийи Шерали Бобоқулов. — У киши тинмай изланади, ёш футболчиларидан бири соғлом ўсишлари хусусида қайғуради, уйининг қайси босқичида тиббий ходимлар кучи қандай сарфлашга ўргатади. Ке-

Орамиздаги одамлар ФУТБОЛЧИЛАР ШИФОКОРИ

рак бўлса, зарур тиббий ёрдам кўрсатади. Шифокорнинг саъй-ҳаракатлари билан футбол клубида энг янги усқуналар билан жиҳозланган мўъжазгина тиббиёт маркази барпо этилди.

Машқлар чоғида ҳам, халқаро ва ўртоқлик учрашувларда ҳам бу жонқуяр киши ёш футболчилар атрофида парвона бўлади, ўинлар чоғида уларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб, «нафас олишлари»га зехн солиб ўтиради. Шу тариқа у ёки бу ўинчи билан кейин бажариладиган муолажаларни хомчўт қилади.

У — футболчи шифокори. Бу иш ниҳоятда масъулиятли эканлиги, унинг «кўз илгамас» жиҳатлари наинки футболчининг саломатлигига, балки бутун жамоа, мамлакатимиз спортига путур етказиб қўйиши мумкинлигини Мирзабурхон Дўстмуродов чуқур ҳис этади. Ёш футболчилардан қимматли маслаҳатларини аямайди, керак-

ли тавсиялар беради. Уларни тез-тез кўриқдан ўтказиб, соғлиқларини яна ҳам мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўради. Амалий мулоҳазаларини айтиб, мураббийлардан бу масалага жиддий ёндашишни талаб қилади.

Футбол клубидаги кўп йиллик иш тажрибаси, ўинчилар, мураббийлар, спорт клубининг мутасаддилари, мамлакат футбол оламининг мутахассислари билан мулоқотлар, энг муҳими, ёш футболчилар шифокори сифатидаги амалий фаолияти тиниб-тинчимас бу инсонни футболнинг чинакам билимдонни, жонқуяри ва тарғиботчисига айлантирди. Эндиликда катта-катта йиғинларда ҳам унинг Ўзбекистон футболнинг шухратини ошириш, болалар футболни ривожлантиришга тўғаноқ бўлаётган масалаларни қандай ҳал қилиш хусусидаги мулоҳазаларини эътибор билан тинглашади.

Тўғри, кейинги пайтлари мамлакатимизда кучли жамоалар пайдо бўляпти, мароқли ўин кўрсатаётган малакали футболчилар етишиб чиқаяпти. Лекин тиббий хизмат жаҳон стандартлари даражасига кўтарилмас экан, бу муваффақиятлар барқарор тус касб этмайди, футболчиларимиз майдонларда ортиқча зўриқиб, қўзланган натижаларига эриша олмайдилар, қувончларимиз тасодифий ютуқларга боғланиб қолверади.

Жўра САЪДУЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

BOSSH MUHARRIR: Safar OSTONOV. TAHRIR HAY'ATI: Abdulla OROPOV, Latif G'ULOMOV, Asliddin RUSTAMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Ta' yana KISTANOVA, G'afar HOTAMOV, Mustahiddin MUHIDDINOV, Svetlana GERASIMOVA, Andrey KUSTOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV.

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI.

BO'LIMLAR: Partiy q hayoti 233-10-13, Madaniyat va sport 233-69-45, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56, Reklama va e'lonlar 233-38-55, Mas'ul kotib 233-72-83.

VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda 25-32-70, Buxoroda 223-06-02, Gulistonda 25-46-45, Jizzaxda 227-48-35, Navoiyda 223-83-73, Namanganda 226-43-81, Nukusda 222-77-21, Samarqandda 35-02-55, Urganchda 517-30-58, Farg'onada 224-18-78, Denovda 8-37641-23-780.

MANZILIMIZ: 100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. Info@uzbekistonovozi.uz. Navbatches: Shohaydar MIRHABIBOV. Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi-tungurichlar: Sobirjon DASTUR'ATOV, Zafar BAKIROV.

Миллий мерос

БУХОРО ГИЛАМЛАРИ

Юртимизда хунармандчиликнинг гиламдўзлик соҳаси қадим замонлардан ривож топган. Гилам гўзал ва нафис дуллар, нақиллар билан безалгани, ташвиқ-пушталиги, ранг-баранглиги боис барчани ўзига махлўб этади. Яна исғиниси борки, Хива, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё гиламлари бир-бирига ўхшамайди. Улар орасида, айниқса, Бухорои Шариф гиламлари ўзига бетакрор ва ўта ноёзлиги билан алоҳида ажралиб туради. XIII асрда юртимизда бўлган италиялик машҳур сайёҳ Марко Поло, юксак аср ўтмиш, Амер Телур саройига келган Италия Қироллигини элчиси Руи Гонсалес де Клависо буни ҳайрат билан таъкидлаган.



Владимир ГРАНКИН олган сурат.

Куни кеча Ўзбекистон Амалий санъат музейида илк бор қадимги антиқа гиламлар кўргазмаси очилди. Унда Бухоронинг турли худудларида тайёрланган саксонга яқин ноидий гилам коллекцияси намойиш этилмоқда. Мазкур ноёб буюмлар ичида XIX — XX асрга оид гиламлар кўп.

Музейга ташриф буюрганлар Бухоронинг афсонавий тарихи, кўркам боғлари ва тўкин бозорларини кўргандек бўлади. Дарҳақиқат, бир вақтлар Бухоро гилами Буюк ипак йўли орқали Шарқ ва Ғарб мамлакатларида кенг тарқалган. Манбаларда айтили-

шича, гиламчилик тарихи икки минг йилдан зиёд ва бу ҳам ноёб бир санъатдир. Авлоддан-авлодга мерос бўлиб келган бу санъат бугунги кунда янада ривож топмоқда. Гиламдўзалар гилам тайёрлашда энг сара жунлардан фойдаланади, рангларни эса фақат таби-

ий ўсимликлардан олишади, икки минг улар майин, чидамли ва шифобахш хусусиятга эга. Қадим тарихимиздан сўзловчи янги кўргазма гиламдўзлик санъати ҳақида бой тасаввур уйғотади. Умида МАНСУРОВА Суратда: кўргазмадан лавҳа.

ФАРЗАНДИНГИЗ УЙДА ЁЛГИЗ ҚОЛМАСИН!

Лоқайдлигимиз, бепарволигимиз натижасида содир бўладиган ёнгинлардан нафақат мол-мулкимизга зарар етати, балки инсон жиддий тан жароҳати олиши, бир умрга ногирон бўлиб қолиши, ёнгин қурбонига айланиши мумкин. Айрим ота-оналар уйда ёш болаларини ёлғиз қолдириб кетмоқда. Уйда қаровсиз қолган болалар гугурт чақиб ўйнаши ёки газ жўмрақларини очиб қолдириши натижа-

Ёнгин хавфсизлиги ойлиги

сида хонадонларда ёнгинлар содир бўлмоқда. Бунга биргина мисол. Сергели тумани, Ўзгариш даҳаси 1-уй 111-хонадонда ижарада турувчи Мўминжон иш билан овора бўлиб, кўчага чиқиб кетди. Уйда турмуш ўртоғи ва 2003 йил туғилган фарзанди қолади. Турмуш ўртоғи уйда ёш фарзандини ухла-

жоннинг ёш фарзанди Азамат ўт ўчирувчилар томонидан қутқариб олинди. Маълум бўлишича, уйда ёлғиз қолган ёш бола совқотган. Ишонинг учун электр плитани тез алағча олувчи материал қўйинига қўйиб ухлаб қолган, яқин ўтмай ёнгин чикқан...

Ғайрат ДАМИНОВ, Сергели тумани ёнгиндан муҳофазат қилувчи 5-ХЕХО катта муҳандиси, капитан

Табиат ёдгорликлари



УМРБОҚИЙ ДАРАХТЛАР

Сурхон замини табиат мўъжизаларига бой. Бир неча аср сиринотларидан сўйлағувчи кўп турдаги дарахтлар оз эмас. Хусусан, арча ва ёнғоқчи ҳам ана шундай умрбоқий дарахтлар сирасига киритиш мумкин. Мутахассислар Узув туманидаги Хўжаасмин қишлоғида 300 ёшни, Шеробод туманидаги Зарабоғ қишлоғида эса 150 ёшни қоралган ёнғоқ дарахтларини аниқлашди. Биз яқинда Термиз туманидаги Паттақасар қишлоғида яшовчи Ананамурод бобонинг ҳовлисида ўсаётган кекса тутни кўрдик. Дарахтнинг танаси кўчоққа сигмайди. Тўрт тарафга тарвақайлаб ўсган. Ҳалиям бутқоқлари қалин, барги кўк. Ҳовлининг ўртасида савлат тўкиб турибди. — Бу тутнинг ёши нечада? — сўрадик хонадон соҳибидан. — Бу тут ота-бобомдан қолган, — деди у. — Уни ўтказганда чуқурини бобом қазиган, отам эса ниҳолни ушлаб турган экан. Отам ўшанда 3-5 ёшлардаги бола

бўлган. У киши 1968 йилда 84 ёшида вафот этди. Мана, энди ўзингиз тутнинг ёшини ҳисоблайверинг. Ёнидаги мана бу кичкина тутни мен экканман. Болаларга мерос бўлиб қолсин деб. Шунга-ям қирқ йил бўлди. — Воҳамиздаги ботаник ёдгорликларни сақлаш мақсадида ёши 100 ва ундан ошган дарахтларни аниқлаш ҳамда уларни авайлаб-асраш борасида зарур чора-тадбирлар кўриляпти, — дейди Сурхондарё вилоят табиати муҳофазат қилиш қўмитаси раиси муовини Баҳодир Уринов. — Табиий ҳолда ўсиб турган 129 туپ ана шундай дарахтга туман ҳокимлари қарорига асосан «Табиат ёдгорлиги» мақоми берилган. Умрбоқий дарахтлар ҳосиятли бўлади. Уларни эъзозлаш, ардоқлаш лозим. Токи, бундай табиат мўъжизаларидан келажак авлод ҳам баҳра олсин.

Курбон ЖўРАНАЗАРОВ «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ташкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастр бошқармаси томонидан Хусниддин Бақирович Алаутдинов номига берилган Чилонзор тумани, 15-мавзе, 14-уй 1-хонадонга тегишли реестр рақами 1-92/2008 ва тартиб рақами ТА №0515126 кадастр гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази жамоаси марказнинг Қорақалпоғистон бўлинимаси мудирини А.А.Отегеновага отаси. Айтмурат ОТЕГЕНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.